

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ЕУТТ ва Э” кафедраси

ТВИТ йўналиши 26-09 КТ (ЕСМТ) гуруҳи талабаси

Файзиматова Дилафрузнинг

«Енгил саноат маҳсулотларини лойиҳалаш» фанидан “Услуб ва мода”

бўлими мавзуларини педогогик технологиялар асосида ўқитиш

услубиёти

мавзусидаги

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Annotatsiya.

Fayzimatova Dilafruz Bitiruv malakaviy ishi.

Bitiruv malakaviy ishda uslub va moda texnologik jarayonlar ko'rib chiqilgan, takomillalashtirilgan. Kerakli xisob ishlari va chizmalari bajarilgan.

Bet , ф

chizma,

jadval 19,

adabiyot 20 ta.

Аннотация

Файзиматовой Дилафруза выпускная квалификационная работа. Выпускная квалификационная на работе методика и мода технологическое процессов увидев выходили, усовершенствованный. Нелишний расчет дела и чертежей исполненный.

Страница

Чертеж

Таблица

Литература

Annotation.

The finally practically work of Fayzimatova D.

The developed technologic process in Steel and mode. Need works and draws was done.

Page

Draws

Literature

Itinerary

Мундарижа.

1. Кириш
2. Асосий кисм
3. Хорижий инвестиция
4. Мехнаини муҳофаза қилиш бўлими
5. Хулоса
6. Фойдаланилган адабиётлар
7. Иловалар

Кириш

Таълим соҳаси Ўзбекистон сиёсатининг устувор йуналишларидан биридир. Хозирги кунда мамлакатда саводхонлик курсаткичи дунёдаги энг юкори уринларда туради. Шунинг учун Президентимиз И А Каримовнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чикиб амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тугрисидаги қонуни“ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда таълимни ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди ва мувофаккият билан амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун фуқароларга таълим тарбия бериш, касб ҳунар урганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди, ҳамда ҳар қимнинг билим олишдан иборат қонситутсиявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Хозирги замонавий босқичда олий таълим муассасаларида ва касб ҳунар коллежларида янги педагогик ва ахборот технологияларини қуллаш ва замонавий укув услубий, интерфаол усулларни кенг қуллаш қузда тутилган. Дарс жараёнида замонавий ахборот технологиялари, интернет ағмоотлаштирилган технологик жараёнларни қуллаш шулар жумласидандир.

Шу утган давр ичида қадирлар тайёрлеш тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг тузилмавий функционал ислохати амалга оширилди. Малакали педагог қадирлар тайёрлаш ишларининг қуллами кенгайди. Олий аттестатция комиссияси томонидан олимлар тайёрлашнинг мутлақо янги йуналишларини очиш тугрисида қарор қабул қилинди.

Шуни алоҳида тайёрлаш жоизки, таълим тизими учун малакали қадирлар тайёрлаш борасида Республикамизда қатта амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан олий таълим мусассасаларида давлат таълим стандартларига мос қеладиған малакали муҳандис педагогларни тайёрлаш бўйича касб таълими йуналишларининг ташкил этилиши ва уларни тайёрлашдаги укув тарбия жараёнида педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиши бунга мисол бўла олади.

Малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда уқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, уйин

технологиялари, муаммоли уқитиш, хусусан, мустакил таълимнинг усуллари муҳим урин тутади. Бу эса олий таълим муассасаларида булажак мутахассисларни тайёрлаш жараёни учун мустакил таълим мазмунини ишлаб чиқиш усуллари тақомиллаштириш борасида миллий – педагогик изланишлар олиб бориш тақлиф этади.

Юрбошимиз И.А.Каримов ни тақлифлари билан 2013 йилни “Обод турмиш” йили деб эълон қилинди. Бундай деб номланишидан асосий мақсад, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, янги замонавий турар жой биноларни қуришдан иборатдир. Бу мақсадни оширишдаги улкан вазифаларни бажарилишини ўз вилоятимизда қилинаётган улкан ишлардан яққол қуришимиз мумкин. И.А.Каримов 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни урганиш тизимини янада тақомиллаштиришни чора тадбирлари туғрисида” қарор қабул қилди. Бу қарордан асосий мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларда ўқитиш, шу тилларда эркин сузлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш, ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қулабда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт шароит ва имкониятлар яратишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишимнинг асосий мақсади, ўқиш даврида олинган назарий ва амалий билимларимни янада мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва қелғусида талабаларга билим беришда педагогик технологиялардан фойдаланиш йулларини ёритиб беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишимнинг асосий вазифаси замонавий ишлаб чиқариш технологиялардан фойдаланиш, иқтисодиёт, техника ва маданиятни ривожлантириш даврида биз педагогларни мустакил ишлашга тайёрлашдан иборатдир.

Асосий қисм

Кийимнинг тарихий ривожланишига, унинг узгаришига услуб ва мода сабаб бўлади.

Услуб – бу жамият моддий ва маънавий маданиятидаги муҳим ва характерли белгилар образли тизими ижодий тамоилларнинг тарихан таркиб топган бир қадар барқарор муштараклигидир.

Услуб – бу даврнинг бадиий тили, унинг бадиий таснифидир. Услуб катта тарихий даврга боғлиқ бўлиб, у санъат соҳасидаги бадиий диднинг бирлигини курсатади: яни архитектура, рассомлик, мусика, адабиёт ва декоратив амалий санъат орасидаги бирликни курсатади.

Хар бир даврнинг узига хос бадиий услуби бўлади. У жамият ҳаётидаги муҳим омилларни акс эттиради. Хар қайси тарихий давр узи учун характерли шаклларни танлаган, инсон маълум даражада костюмда уз ифодасини топган муайян эстетик идеалини узига бўйсундирар эди.

Хар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг муайян даражада образи ва гавдаси (қад-қомати) ётади. Муайян ижтимоий – иқтисодий формаси тикувчи рассомларнинг қанчалик меъёр, эстетик идеал билан ёндошганлигини, моддий муҳит предметлари услубининг, қуп турлиликдаги бирлигининг характерини белгилаб беради.

Қадимий юнон костюмининг услуби (эрамизгача бўлган VII-IV асрлар) газлама билан инсон шакли ва табиий мутаносиблигининг гармоник бирга қушилганлиги бўлиб, бу елкадан пастга томон бемалол осилиб турадиган кийимдаги беҳисоб хилма-хил таҳламаларда, бурмаларда уз ифодасини топганм эди. Кийим тугри туртбурчак газламадан иборат бўлиб, уни елка устидан боғлаб ёки елкага ташлаб қуйиб, гавданинг табиий гузаллиги ва ҳаракат бемалоллигини курсатадиган ҳамда унга ҳалакит бермайдиган нафис таҳмалар тушурилиб бурма қилиб қуйилган.

		жа ми	ма ър уза	Ама - лий ма шғу лот лар	Лабор атория машғу лотлар и	
	ЕСМЛ асослари	56	28	14	14	
6 – СЕМЕСТР						
I	Кийим ҳақида маълумот	14	6		8	
1	Кириш. Кийим ҳақида умумий маълумот 1.1. Кийимни келиб чиқиши ва ишлаб чиқарилиши ҳақида маълумот. 1.2. Кийим классификацияси.		2			Плакатлар, моделлар, диафильмлар, ”акли хужум”, ”кластер”
2	Услуг ва мода. Композиция ҳақида 2.1. Услуг ва мода ҳақида. 2.2. Кийим композициясининг принциплари ҳақида. 2.2.Кўплаб тикиладиган ва якка тартибда тикиладиган кийимларни лойихалаш		2			
3	Сифат кўрсаткичлари ва кийимга кўйиладиган талаблар. 3.1. Саноат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари. 3.2.Кийимга куйиладиган талаблар.		2			
	ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ					
4	Ўрта Осиё халқларининг миллий кийимлари тарихини ўрганиш				2	
5	Кийим класификациясига асосланиб эскиз чизиш				2	

6	Услуб ва модага асосланиб эскиз чизиш				2	
7	Кийими композицияси принциплари асосида эскиз чизиш				2	
II	Кийимни конструкциялаш	18	8	10		
8	Гавда тузилиши ҳақида 4.1. Гавда тузилиши ҳақида маълумотлар. 4.2. Гавда ўлчамлари ва ўлчаш асбоблари.		2			Плакатлар, моделлар, манекен, диафильмлар, "акли хужум", "кластер"
9	Кийим бичимлари ҳақида. 5.1. Кийим бичими ҳақида. 5.2. Композицион қўшимча ҳақларнинг тақсимланиши.		2			
10	Кийимни конструкциялаш усуллари 6.1. Муляже усули 6.2. Хисоблаб лойихалаш усули 6.3. Ўлчаб хисоблаб лойихалаш усули 6.4. Ягона лойихалаш усули		2			
11	Конструкциялаш босқичлари. 7.1. Кийимларни конструкцияси чизмаларини тайёрлаш босқичлари. 7.2. Конструкция асосининг базис сеткаси.		2			
	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ					
12	Одам гавдасининг улчов белгилари характеристикасини ўрганиш			2		
13	Одам гавдасининг ташки формалари характеристикасини урганиш.			2		
14	Одам гавдасининг размер			2		

	стандартлари					
15	Конструктив жойлар қўшимларини характеристикасини ўрганиш			2		
16	Конструкция асосининг базис сеткасини куриш.			2		
III	Кийимни моделлаштириш	24	14	4	6	
17	Кийим янги моделларини яратишда лойихавий-конструкторлик ишлари 8.1. Янги модел яратиш учун моделлаштириш принциплари		2			Плакатлар, моделлар, андазалар, диафильмлар, "аклих ужум", "кл астер"
18	Кийим деталларини моделлаш 9.1. Ёқани моделлаш 9.2. Енгни моделлаш		2			
19	Юбкани конструкциялаш		2			
20	Юбкани моделлаштириш		4			
21	Аёллар кўйлагини моделлаштириш		2			
22	Аёллар нимчасини техник моделлаш		2			
	ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ					
23	Муляж усулида аёллар кўйлагининг андазаларини ҳосил қилишни ўрганиш.				2	
24	Ёқани моделлаш.				2	
25	Енгни моделлаш				2	
	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ					
26	Моделлаштириш усулларини ўрганиш			2		
27	Юбкани моделлаштириш			2		
	Жами:	56	28	14	14	

**3. “Енгил саноат маҳсулотларини лойихалаш асослари”
фанидан рейтинг ишланма ва баҳолаш мезонлари**
Рейтинг ишланмаси

2-жадвал

т/р	Назорат турлари	Сони	Балл	Жами балл
6-семестр				
I	Ж.Б	7	2,7	19
	1.1.Амалий ишларини топшириш			
	1.2.Лаборатория ишларини топшириш	7	3	21
II	О.Б			
	1. Ёзма иш	1	21	21
	2. Мустақил таълим	9	1	9
III	Я.Б			
	3.1. Якуний баҳолаш		30	
	3.1.1.Ёзма иш (3 та савол)	1	(10x3=30)	30
Жами				100

Фаннинг услубий таъминланганлиги

Талабаларга тавсия этиладиган адабиётлардан ташкари фан кафедрадаги куйидаги услубий кўрсатмалар билан таъминланган:

1.Улуғбобоева М. **“Енгил саноат маҳсулотлари технологияси”** услубий кўрсатма 1- қисм ФарПИ 2007.

2.Улуғбобоева М. **“Енгил саноат маҳсулотлари технологияси”** услубий кўрсатма 2- қисм ФарПИ 2007.

Дастурнинг информатсион - услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет маълумотлари қўлланиши назарда тутилган

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон - дидактик технологияларидан;
- фан бўйича ўтказиладиган амалий ва лаборатория машғулотларида ақлий хужум, гурухли фикрлаш педагогик технологияларидан;

- фанни ўқитишда кўргазмали қуроллар, техникавий воситалар ва бошқа дидактик материаллардан (технологик хариталар, меҳнат жараёнлари харитаси, топшириқлар, машқлар) ташқари замонавий компьютерлар, мультимедия ва интернетлардан ҳамда видео кассеталардан фойдаланиш йўллари тавсия этилади. Ўқув жараёнларида талабаларнинг мантикий самралали фикр юртишга ўргатиш учун уларнинг ижодкорлик кучидан фойдаланиш технологиялари қўлланилади.

Таълим беришда талаба ақлини чарчатмай ишга соладиган усуллардан, иш учун фойдали ўйинлардан, можароли вазиятлардан ва бошқа ишбилармонлик ўйинларидан фойданилади.

Интернет сайтлари

1. www.juki.at
2. www.pfaff.com
3. www.ismtrade.ru
4. www.sewingmachine.com
5. www.pfaff-industrial.com
6. www.brotherco.kr/unicorn
7. www.ziyonet.uz

Ўқитишнинг техник воситалари

№	Восита номи	Тури	Сони	Машғулот тури	Ишлатиш вақти
1	Диапроектор	ЛЭТИ-60	1	маърузалар	10-1 5 минут
2	ЭХМ	Пентиум-4	2	Амалий машғулот	Хар бир талабага 0,5 соат

Ўқув – услубий адабиётлар рўйхати

4-жадвал

№	Адабиёт тури	Муаллифи, адабиёт номи, нашриёти, йили
1	Дарслик	<i>Эркаклар ва болалар кийимини конструкциялаш асослари.Рогова Л.С.Москва1978</i> <i>Аёллар уст кийимини конструкциялаш.Е.А. Янчевская.Тошкент ўқитувчи 1998</i>
2	Ўқув қўлланма	<i>“Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари” Қ.М. Абдуллаева.Тошкент-Ўзбекистон</i>
3	Маъруза матнлари	<i>М. Улуғбобоева “Енгил саноат маҳсулотларини лойиҳалаш асослари” фанидан маърузалар матни Фар.ПИИ 2008й.</i>

4	Услубий адабиётлар (услубий қўлланма ва кўрсатмалар)	<i>М. Улуғбобоева “Енгил саноат маҳсулотларини лойиҳалаш асослари” фанидан услубий кўрсатма Фар.ПИИ 2008й.</i>
5	Кўшимча адабиётлар	<i>Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш Г.К.Хасанбаева Тошкент “Ўқитувчи” 1990</i>
6	Фан бўйича саволнома	<i>М. Улуғбобоева “Енгил саноат маҳсулотларини лойиҳалаш асослари” фанидан саволнома Фар.ПИИ 2009й</i>

Маруза дарсларини режалаштириш

Махсус фанда маъруза дарс – режали ташкиллаштирилган, аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган таълим ва тарбия жараёнларидир. Бу жараёнда маълум бир махсус соҳа бўйича назарий билимлар тизимли равишда таълим берувчи назарий билимларни амалиётда қўллаш йуллари билан таништиради.

Маруза дарс асосан махсус жихозланган синфхоналарда ўтказилади. Бу синфхоналарда турли техник воситалар ишлатиш мумкин.

Касб ҳунар таълими тузилишининг хусусияти, назария ва амалиёт бири-биридан алоҳида, яъни назарий таълим ўқув аудиторияда, амалий машғулотлар ўстахона ва лаборатория хоналарида амалга оширилади. Маъруза дарсда керакли махсус билимлар амалий дарсга нисбатан илгарирок берилишини таъминлаш керак. Амалий машғулотларда таълим берувчи иш ўрнида факат иш топшириқларига тегишли қўшимча билимларни бериш керак. Агарда амалий машғулотларда таълим берувчи таълим оловчилардан дастлабки билимларида камчиликлар борлигини аниқласа, у керакли назарий билимларни беради.

Дарсни режалаштириш – қўйилаётган ўқув натижаларига қўра натижага эришиш мақсадида ўқув жараёнига таъригарлик қўриш;

Таълим методларини танлаш, таркатма материаллар ва ўқув-дидактик воситалар тайёрлаш.

Барча имкониятларни инобатга олган холда бир марта тузилган режада узгаришлар булмаслигига ҳаракат килиш керак. Таълим берувчи учун режалаштириш укув жараёнини бошқаришда хатоларга йул қуймаслик деганидир. Таълим олувчи учун режалаштириш, у булажак укув жараёнини ва таълимдан нималарни кушиш мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши деганидир.

Маъруза дарсини режалаштириш қуйидаги даражаларда амалга ошириш мумкин:

- бутун таълим даври даражасида;
- бир укув йили даражасида;
- бир семестр даражасида;
- бир ой даражасида;
- бир ҳафта даражасида;
- бир кун даражасида;
- назарий дарсинг бир соати даражасида.

Дарсинг мақсади.

Ҳаар бир маъруза дарс олдиндан белгиланган мақсадларга риоя қилиниши лозим. Одамда укув дастури асосида белгилашингиз мумкин. Мақсадлар ёзма равишда маъруза дарс режасига киритилади ва эришилган –эришилмаган тест ва топшириқлар ёрдамида текширилади ва мустаҳкамланади .

Дарсини мазмуни

Белгиланган укув мақсадларга мувофиқ равишда билимлар соҳанинг мазмуни (шу жумладан қуникмалар ва узин тутиш тарзлари) белгиланади. Бу мазмунлар бир томондан керакли дастлабки билимларни (маъруза дарс мазмунини) ва бошқа томондан топшириқларни бажариш учун керакли махсус билимларни инобатга олиш керак.

Дарс услуби

Агар мақсадлар ва мазмунлар аниқ булса, айнан шундай услублар танлаб олиниши керакки улар шу мақсад ва мазмунларни урганадиган натижаларга айлантира олишлари лозим. Бу муносабатда, “ананавий ва интерфаол

метод’’ деб аталган услублар таълим берувчи томонидан танлаб олинади ва кулланади.

Дарс утиш шарт – шароити

Шарт – шароитлар деганда, биринчи навбатда моддий - техник шарт - шароитлар тушунилади. Бир томонда укув устахоналари, лабараториялар, уларни жихозланганлик даражаси, асбоб – ускуналар, чиқиш материалларининг умумий ҳолати ва ҳақозо, чунки улар маълум сифат стандартларига жавоб бериши керак.

Бошқа томондан эса, укув воситалари тушунилади, чунки улар укув жараёнидаги билимларни ўзлаштирилишига ёрдам беради. Укув мақсадларига мувофиқланган қўлаб укув воситалари мавжуд. Лекин ҳақ воситаларинг қўлигида эмас балки муайян укув мақсадига эришиши учун маълум келадиган воситаларни танлаб олишда.

Дарс утишни ташкиллаштириш


Юқорида айтилган ҳамма нарсалар вақт омилини инобатга олган ҳолда ташкил қилиши керак. Чунки ҳар бир маъруза дарс учун аниқ,

вақт мейёрлари бор ва айнан шу вақт доирасида укув мақсадларига эришиш лозим. Бунинг учун нафакат пухта режа, балки унумли ташкиллаштириш ҳам керак. Вақт даври, вақт давоми ва укув жойи ташкиллаштириш жараёнида белгиланади. Урганиш ва ургатиш ташкил қилишнинг ҳилма – ҳил имкониятлари мавжуд.

Олинган натижалар

Маъруза дарсининг охирида мақсадларга эришилган – эришилмаганлиги текширилиши керак. Бунинг учун баҳолаш воситалари, услублари, мезонлари белгиланиши лозим. Бунинг имкониятлари – машқлар, оғзаки ва ёзма тестлар ҳамда имкониятлар улар таълим олувчиларнинг қўбиятлари, билим, қўникма ва малакаларини баҳолаш имконияти яратади

6-жадвал



10-чизма. Маъруза машғулотларини режалаштириш

- 1. Талабада мода журналларига эга ва тушунча бера олади.

Талаба учун керакли маълумотлар.

Готика услуби XI –XIII асрларга турги келиб, кийимда чузик шаклларга интилиш кузга ташланиб турарди. Тор, юкори кисми катор - катор мураккаб тахламалардан иборат, орка этаги жуда узун куйлак, жуда баланд конуссимон бош кийим ва нихоятда чузик поябзал билан бирга кушилиб комат куринишини узгартириб юборган. Аёл кишининг идеал образига, яъни она мадонна образига ухшатилган эди. Костюмнинг ён томондан куринишида хомиладор аёл гавдасига таклид килинган эди. Костюмнинг мураккаб бичим чизиклари гавданинг эгри чизик пластикасига мувофик келарди. Костюмда бир томондан назокатни, оналикни таъкидлашга интилиш акс этган булса, иккинчи томондан черков курсатмаларига биноан гавдани яширишга, уни тахмаларга кумиб ташлашга интилиш акс этган эди. Бу даврда эркак ва аёллар кийимлари уртасида фарк була бошлади, шунингдек тор лиф, утказма енг, куёш юбкалар пайдо булди.

Костюмда катор - катор шакллар, бичимлар, каркаслардан халос булиш, айрим газламаларни, безакларни ва костюмни манзарали тикишни афзал куриш кузга ташланади. Кийимдаги эркинлик ва соддалик бу услубнинг асосий элементи хисобланади. Аёллар кийимида енг ва буйин кисмларини очиш урф булган булса, эркаклар костюми ишчанликка, амалий фаолиятга мосланиб узил-кесил ва батамом аёллар модасига биринчиликни бериб куяди.

Кўлланиладиган жихозлар ва асбоблар.

- 1.Услуб хакидаги маълумотга эга бўлган журнал ёки китоб.
- 2.Мода журнали .
- 3.Плакатлар.
- 4.Слайдлар.

Хисобот мазмуни

- 1.Ишни бажариш учун керакли маълумотлар .
- 2.Услуглар тасвирланган эскиз расмлар.
- 3.Турли хил модалар тасвирланган эскиз расмлар.
- 4.Хулоса.
- 5.Адабиётлар.

Текшириш учун назорат саволлар

1. Услуг нималарга боглик?
2. Романтика услуги кайси даврларни ўз ичига олади?
3. Готика услуги кайси асрларни ўз ичига олади?
4. Готика услуги канда шаклларни ўз ичига олади?
5. Уйғониш даври услубида кандай ўзгаришлар юз берди?
6. XX аср услубида ва газламалар кандай танланади?
7. Классик услуги деганда нимани тушунаси?
8. Спорт услубини кандай тарифлаш мумкин?
9. Фантазия услубида тикилган кийимлар нимаси билан фаркланади?
10. Мода қачон пайдо бўлган?
11. Биринчи бўлиб чиқарилган мода журналида кандай маълумотлар берилган?
12. Моданинг ижодкори ким?
13. Моданинг энг муҳим хусусияти нима?

Мустақил ишларин ташкил этиш

Олий укув юртлирида талабанинг мустақил ишини ташкил этишдан асосий мақсад:

- укувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян укув ишлари мустақил равишда бажаришни шакллантириш ва ривожлантиришдир;
- талабаларда диалектик дунёқарашни таркиб топтириш;
- талабаларнинг укув – билим фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтириш

- таълим – тарбия жараёнини макбуллаштириш;
- фанлараро алокадорликни таъминлаш;
- фан - техника тараккиётини жадаллаштириш талаблари асосида касбий тайёргарликни такомиллаштириш;
- дарснинг самарадорлигин ошириш йуллари;
- янги педагогик технологияларни жорий этиш;
- таълим тарбия жараёнини фаоллаштириш;

Талаба бажарадиган мустакил ишнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустакил тарзда пухта узлаштириш куникмаларига эга булсин;
- керакли маълумотларни излаб топишнинг кулай усуллари ва воситаларини аниклаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самали фойдаланиш;
- анъанавий укув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- интернет тармогида рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини тахлил этиш;
- топширикларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;
- мустакил бажарилган ишни химоя килиш.

ча сохаларининг демократлашуви ва инсонпарварлашуви ҳамда “Таълим тугрисида” даги конун ва “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” нинг қабул килиниши таълим тизимининг ривожланишига асос булди ва таълим тизимида туб ислохотлар учун кенг имкониятлар яратди.

Ижтимоий воқелик таълимини бошқариш муаммоларини куриб чиқиш ва ҳал қилишни мустакил йуналиш сифатида ажратиб олиш, таълим – тарбия жараёнини бошқаришнинг асосланган усул, воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруриятини белгилаб берди. Унинг уқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш уртасидаги ташкилий бошқарув, ахборот алоқалари;

ижтимоий жихатдан аҳамиятга молик шахсни шакллантиришдаги яхлит жараённинг таркибий қисмлари сифатидаги аҳамиятни оширади.

Бугунги кунда эркин ва мустақил фикрловчи, ижтимоий – сиёсий ҳаётда онгли равишда ва фаол иштирок этишга қодир ёш авлодни шакллантириш – «Қадирлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий устувор йуналишидир. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига демократик асосларни жорий этиш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни тезлаштириш имконини беради. Дастур таълим муассасалари мустақиллигини кенгайтириш орқали таълим бошқарувини демократлаштиришни уз ичига олади.

2-босқич, яъни коғоз ва уқув китоблари даври ҳали нисбатан йетказилгани йўқ, дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси эса ҳамон мукамал эмас. Лекин ўқитишнинг 1,2,3,-босқичларига ҳос таълим воситалари мактабларга жадал қилиб бормокда.

Уқув адабиётлари жорий этиш қарама – қаршиликлар қураши натижасида қодир бўлган. Кейинги даврларда ҳам таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар қурашсиз амалга ошмаган, бундай ўзгаришлар осон кечмаган. Бугунги кунда ҳам 1-босқич технологияси руҳида шаклланган айрим педагогларда кейинги даврларда вужудга келган уқув воситаларини ўзлаштириб олишга, таълим – тарбия жараёнини шу асосда ташкил этишга суғай беради. 1- босқич уқув воситалари ўқитувчидан қўп меҳнат талаб этади ва ўқувчининг билим, тайёргарлик даражаси юқори бўлмайди. Бу педагогик босқичларнинг ҳар бирида таълим методлари такомиллаштирилаётганлиги туфайли ўқитувчи меҳнатининг самараси ортиб, замонавий технологияни қўллайдиганлар сифати кенгаяётган.

Бугунги кунда республикамиз ривожланган давлатлар даражасига чиқариш мақсадида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Таълим Ўзбекистон давлати сиёсатининг устувор соҳасига айланди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош, юксак маънавий – ахлоқий фазилатларни эгаллаган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсади ва вазифаси қўн тартибига қўйилган.

Аудиторияларга кириб укув жараёнини кузатган киши мавжуд педагогик тизим биринчи ва иккинчи боскичларга хос эканлигига ишонч хосил килади.

Педагогик технологиянинг асосий элементлари куйидагилардан иборат:

1. Педагогик мулокот технологиясида уқитувчи (педагог) нинг укувчи – талабалар билан мулокоти.

Мулокотнинг вазифалари:

- шахсни таниш, ахборот алмашиш;
- келгуси педагогик мулокотни моделлаштириш ва тахлил этиш;
- мулокотдан олинадиган тасаввурлар;
- мулокот юзасидан фикрлаш ва фикр алмашиш;
- педагогик мулокотни ташкил этишнинг техникаси ва технологияси;
- ишга ижодий ёндошиш ва бошқалар.

Педагогик талаб технологияси.

- «педагогик талаб» тушунчаси, унинг узига хос хусусиятлари;
- хулк-атвор ва ижтимоий – маданий коидаларининг намоён булиши;
- укувчи – талабага булган хурмат ва талаб;
- педагогик талабнинг психологик тамойиллари ва мезонлари;

2. Баҳолаш техноласи, педагогик баҳо ва уни мезонлаш.

- хатти - ҳаракатлардан олинган таъсурот, воқелик, объект ва субъект қабул қилиш;
- баҳо бериш усуллари танлаш, уқитувчи (педагог) нинг уз имкониятини тахлил этиши ва таъсир самарадорлигини ошириш;
- педагогик баҳолаш технологияси.

3. Ахборотнинг таъсир қурсатиш технологияси.

- нуткий – ахборот бериш, «ратционал ахборот бериш» тушунчалари, демонстрацион ва қурғазмали воситалар – ахборот олиш воситаларидан бири сифатида;
- нуткий таъсир этиш, суҳбат, ҳамкорлик, тезис, аргумент, қурғазмалар ва образлар;
- нуткий таъсир этиш технологияси;

- демонстрацион ва кургазмали воситалар, этик, иктисодий, эстетик, гигиеникматериаллар;
- кабул килишнинг физиологик ва психологик хусусиятларини демонстрация килиш технологияси.

4. Педагогик вазифаларни яратиш ва уни ечиш технологияси.

- педагог конфликт тушунчаси – конфликт педагогик технология элементи сифатида, конфликт субъектлари орасидаги карама - каршиликлар, буш ва мазмунли конфликт;
- ҳолат тахлили (воқеани аниқлаш)
- конфликт;
- конфликтнинг хилма-хиллиги (норозилик, қарши чиқиш)
- конфликтни ечиш шакллари (юмор, ҳазил, мутоиба)

Замонавий педагогик технологиянинг қўшимча элементлари:

1. Психологик муҳит яратиш технологияси.
2. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш технологияси.
3. Муваффақиятли ва муваффақиятсиз ҳолатларни ташкил этиш технологияси.
4. Уқитувчининг ҳатти-ҳаракатига педагогик реакция килиш технологияси.
5. Хулки ва одоби ёмон уқувчи-талабалар билан ишлаш технологияси.
6. Муаммоли вазиятлар яратиш технологияси.
7. Педагогик восита технологияси.
8. Педагогик импровизацияси.

Педагогик технология атамасига ҳар бир дидакт олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тулик ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифлар ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг инсон салоҳияти ва техник ресурсларини қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Шунингдек, технология деганда, субъект томонидан объектга курсатилган таъсир натижасида субъектда сифат узгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йуналтирилган аниқ мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кузда тутади.

Юқорида келтирилган тушунчаларни уқув жараёнига қучирадиган бўлсак, уқитувчи (педагог) нинг уқитиш воситалари ёрдамида уқувчи - талабаларга муайян шароитларда курсатган тизимли таъсири натижасида улардан жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий-сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса ёки бошқача айтганда, уқитувчи томонидан уқитиш воситалари ёрдамида уқувчиларга таъсир курсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида улардан олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деб тарифлаш мумкин. Профессор Н. Сайидахмедовнинг фикрича, «Технология – бу шахсни уқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қиладиган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир». Технология тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш қучига эга бўлиб, эркин ижод қилишга ундайди:

- самарадор уқув-билиш фаолиятининг асосларини топиш;
- уни экстенсив (қуч, вақт, ресурс йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан қуча интенсив (жадал), мумкин қадар, илмий асосда қучиш;
- талаб этилган натижаларни қафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш;
- уқитиш давомида тузатишлар эҳтимолини лойиҳалаш методига тайнган ҳолда йўқотиш;
- таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурий ҳаракатларни алгоритмлаш;
- техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш ва бошқалар.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор уқитиш босқичларидан, ўз набаида, бу босқичларнинг ҳар бири ўзига ҳос амаллардан иборат бўлади.

Аввал – уқитувчининг синфда мавзу буйича уқув элементларини тушунтириш борасидаги бажарган ишлар йигиндиси бўлиб, уқитиш жараёнининг шу боскичда тугалланган қисми ташкил этади.


Педагогик технология амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойихаси ҳисобланади.

Педагогик технология – таълим технологияси, янги педагогик тажриба, янги педагогик технология, замонавий педагогик технология, ахборот технологияси, янги тажриба, таълим-тарбия методлари тушунчаларини қамраб олади. Демак, педагогик технология дидактик вазифаларни самарали амалга ошириш, шу соҳадаги мақсадга эришиш йули бўлиб ҳисобланади.

Мен педагогик технологиянинг «Кичик гуруҳларда ишлаш» усулини тандладим. У қуйидагича ифодаланади:

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методия

Бу – метод таълим уқувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда уқув материални урганиш ёки берилган топшириқларни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш. Ушбу метод қўлланганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига бошловчи рулида бўлишга бир-биридан урганишга ва турли нуқтаи назарлардан кадрлаш имконига эга бўлади. Бу метод бошқа методларга қараганда таълим берувчи вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг узида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади. Қуйида «кичик гуруҳда ишлаш» методининг тузилмаси келтирилган.



12-Чизма. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи тузилмаси.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг боскичларикуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йуналиши аникланади.

Мавзу буйича бир-бирига боғлиқ болган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан булинишлари мумкин .

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ курсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5.Кичик гурухлар такдимот киладилар.

6.Бажарилган топшириклар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7.кичик гурухларда баҳоланади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- Уқитиш мазмунини яхши ушлаштиришга олиб келади.
- Мулоқотга киришиш қуникмасининг такомиллашишига олиб келади.
- Вактни тежаш имконияти мавжуд.
- Барча таълим олувчилар жалб этилади.
- Уз-узини ва гурухлар аро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гурухларда ишлаш» усулининг камчиликлари.

- баъзи кичик гурухларда қучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли қучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор.
- Барча таълим олувчиларнинг назорат қилиш имконияти паст бўлади.
- Гурухлар аро узаро салбий рақобатлар бўлиб қолиши мумкин.
- Гурух ичида узаро низо бўлиши мумкин.

«Кичик гурухларда ишлаш» усулини технологик харитаси.

10-жадвал

№	Боскичлар	Таълим берувчи фаолияти	Таълим олувчи
1.	Тайёрлов	Машгулот мақсади ва вазифалари билан таништиради	Тинглайди
2.	Кичик гурухларга ажратиш	Махсус фан ўқитувчиларидан алоҳида кичик гурухлар муҳандис-педагоглардан алоҳида кичик гурухлар ташкил қилишни сурайди	Махсус фан ўқитувчилари алоҳида кичик гурухлар муҳандис – педагоглар алоҳида кичик гурухлар ташкил этишади.

3.	Кичик гурухларда ишлаш	Курсатмалар беради, йуналтиради ва такдимотчини таълим берувчи танлаб олиши тугрисида огохлантиради	Хаар бир кичик гурух мавзу танлаб, дарс режасини ишлаб чиқади
4.	Кичик гурухлар такдимои	Гурухни бошқаради. Кичик гурухлардан такдимотчини танлаб олади.	Такдимотчилар гурух ишини такдимот қиладилар
5.	Кичик гурухлар ишини тахлил этиш	Кичик гурухлар ишини тахлил қилади, камчиликларни курсатиб, тингловчилар билан биргаликда тузатади.	Кичик гурухлар бир-бирининг ишини тахлил қилади, фикр мулохазаларини баён этади.
6.	Якуний қисм	Уқитувчи бажарган ишларни баҳолайди ва умумлаштиради. Фаол гурухларни рағбатлантиради, машгулот бўйича уқитувчиларнинг фикр мулохазаларини тинглайди	Муҳокама

Хорижий инвестиция бўлими

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб - хунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этиш масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг қўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги касб - хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012–2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Касб - хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиши, бу

масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб, барча туман ва шаҳарлар, касб - ҳунар коллежлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига бугунги кунда мутлақ кўпчилик оилаларимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётган ушбу масъулиятли ишга қўшган ҳиссаси учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўтган даврда ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасаларини малакали, педагогик ва амалий иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва ўқитувчи кадрлар билан янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. 2012 йилда 687 та касб -ҳунар коллежининг директори аттестациядан ўтказилди. Бунинг натижасида уларнинг 119 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Ўрта махсус, касб - ҳунар таълимининг барча ўқув муассасалари танловлар орқали саралаб олинган раҳбар кадрлар билан тўлиқ таъминланди.

Етарли касбий кўникма ва малакага эга бўлмаган 2 минг 100 нафардан зиёд ишлаб чиқариш таълими устаси ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган малакали кадрлар билан алмаштирилди. Барча раҳбар ва педагог кадрларнинг 21 минг 700 нафардан ортиғи ёки 18 фоизи ўтган йили махсус курсларда ўз малакасини оширди.

Ўтган йили мамлакатимизда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ҳамда жорий этиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилмоқда.

Илмий кенгашлар асосан нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани, айти вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиши лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг ташкилий тузилиши ва унинг низоми тубдан қайта кўриб чиқилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилмоқда. Рейтинг тузиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юкланади. Ушбу марказ рейтинг баҳоларини тузишнинг ҳозирча вақтинчалик тасдиқланган методикаси асосида Ҳукуматга мамлакатимизда олий таълимнинг қандай ривожланаётгани тўғрисида ҳар йили таҳлилий маълумотлар тақдим этади.

Олий ўқув юртлари фаолияти баҳоладиган мезонларни шакллантиришда олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати ва илмий салоҳият даражаси индексига асосий эътибор қаратилади ва уларнинг ҳар бири натижасига кўра, 35 фоиздан энг юқори баллар қўйилади. Шунингдек, талаба ва битирувчиларнинг иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш натижасида аниқладиган малака индексига алоҳида аҳамият берилади ва бу кўрсаткич 20 фоиз билан баҳоланади. Қолган 10 фоиз бошқа кўрсаткичлар бўйича берилади.

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти фақат ҳар бир олий ўқув юртининг мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида қандай ўринни эгаллаб тургани ҳақида ҳолис маълумотга эга бўлишдан иборат эмас.

Энг асосийси, шу аснода олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ тақлифларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инссад” халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал

индекси” маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган.


Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатадаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглари – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган.

Мехнатни муҳофиза қилиш бўлими

Технологик жихозларни ишлатилишини таҳлил қилиш.

Енгил саноат технология жихозларини ишлатиш бўлими куйидагилардан иборат: материалларни улчаш бўлими, бичиш бўлими, тикиш бўлими, примерка бўлими, дазмоллаш бўлими, тайёр маҳсулотлар бўлими. Дазмоллар 2 та, манекенлар 4 та, хайвонлар ва вешилкалар мавжуд. Бўлимда 10 та одам ишлайди. Бинони улчамлари: узунлиги 12м, эни баландлиги 8м.

Куйидаги колонналар сеткаси ишлатилган.



13-расм. Лойихалаш бўлимида жихозларни жойлашиши урни курсатилган:


1. Улчаш машинаси
2. Материал киргогини киркиш машинаси
3. Бичув машинаси
4. Тикув машиналари
5. Аверлок машинаси
6. Махсус машина
7. Дасмоллар
8. Маникенлар
9. Жавонлар

Лойихалаштирилаётган бўлимни иш шароитини анализ қилиш ва хавфли зарарли факторларни аниқлаш.

Енгил саноат технология жихозларини ишлатиш бинонинг вентилляцияси.

Бинони улчамлари юқорида курсатилган шу бинода соғлом хаво муҳитини ташкил этиш учун бизда хавони бери шва суриб олиш вентилляция системаси ташкил этилган.

13-расмда. Бинодаги вентилляция схемаси курсатилган.



14-расм.

1. Вентилятор


2. Калорифер ёки кондиционер
3. Фильтр
4. Диффлектор
5. Хаво утказгич

Лойихалаш биносини ёритилиши.

Биз норма буйича 300-500 люксгача ёритилишини ташкил этишимиз керак. Бунга таъминлаш учун табиий ва сунъий ёритилиш ташкил этилган табиий ёритилишда ён томондан амалга оширилади яъни деразаларни ойнагидан $K_{\text{еОп}}=1-2\%$ булиши керак.

Бундан ташкари булимда сунъий ёритилишида юкори ва жорий ёритиш ташкил этилган.

Юкори ёритилишини таъминлаш учун биз люминисцент лампалар урнатганмиз. Уни маркаси ДРЛ. Жорий тикув машиналарида ва бошья ускуналарда ёритилиш 800-900 люксни таъминлайди. Уларни жойлаштириш 15-расмда курсатилган.



15-расм. Лампочкаларни жойлаштириш

Шовкин ва титраш булимийи.

Булимда шовкин ва титрашни хосил киладиган бичув, тикув, йурмаш машиналари мавжуд.

Шовкин ва титрашни камайтириш учун машиналар хар доим вактида мойланади. Вентилятор, кондиционер куча томонда жойлашган ва уни шовкини ишчиларга таъсир этмайди.


Булимда электр хавфсизликини таъминлаш.

Хамма технологик жараёнда катнашадиган машиналар электр токида ишлайди. Шунинг учун ишчилар электр шикастланишига учраш мумкин.


Электр хавфсизлигини таъминлаш учун булимда куйидаги хавфсизлик чоралари кабул килинган:

- ерга улаш химояси
- нолга улаш химояси
- учуриш блокировкаси

15-расмда ерга улаш ва нолга улаш химоясини электрик схемаси келтирилган.



16 а – расм. Ерга улаш химояси



16 б-расм. Нолга улаш

Булимни ёнгин хавфсизлиги

Булимни ёнгин ва портлаш категорияси буйича аниклаш.

Булимда асосан барча машиналар электр токи билан ишлайди, бундан ташкари унда тез ёнувчи коғоз ва материаллар мавжуд. Бу булимда уз-уздан аланга олиш, чакнаш, портлаш натижасида ёнгинкелиб чиқиш эҳтимоли бор.

Чунки ишлаб чиқариш жихозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари юз бериши мумкин.

Ёнгинга қарши сув системасини ташкил қилиш.

Сув ёнгинни ўчиришда энг қўл ишлатиладиган воситадир. Сув ёнаётган сиртқи совитади, сув бўғи ёнаётган модда атрофидаги ёнувчи газлар ва кислород миқдорини камайтиради. Бино ичига ёнгин жумраклари ўрнатилган, уларга узунлиги 10-20м бўлган шланглар доимий қилиб ўлаб қўйилган. Шланг спирал тарзида ўралган.

Ўт ўчириш воситаларини ташкил қилиш.

Бинода карбонад ангидрид газли ўт ўчиргичлардан фойдаланилади, чунки бу ўскуна электр токини ўтказмайди. Шунинг учун улар ток ўстида бўлган электр қурilmаларини ва катта бўлмаган ёнгинни ўчириш учун ўрнатилган. Мослама бинога қиришда жойлашган.

Автоматик ўт ўчириш системасини ҳосил қилиш.

Бинода автоматик ўт ўчириш системасини ҳосил қилиш мақсадида спринклер қурilmаси ўрнатилган. Бу тармоқда ҳарорат белгиланган қийматдан ошиб кетганда унга ўрнатилган осон эрувчан металл эриб кетади ва сув йўли очилади. Бу қурilmа ёнгин ҳавфи юқори бўлган жойларга ўрнатилган. Алёқа телефон орқали, сигнализация эса датчиклар орқали бажарилади. Датчиклар – иссиқдан, ёруқлиқдан ва тутундан ишлаши мумкин, уни схемаси қўйидагича.

17. Расм. ЭПС схемаси: 1 – қабул қилувчи станция; 2 – симлар; 3 – датчиклар.

Хулоса

Мен “Енгил саноат маҳсулотларини лойихалаш асослари” фанининг “Услуг ва Мода” бўлими мавзуларини илгор педагогик технологиялар асосида уқитиш услубиёти мавзусидаги битирув малакавий ишни бажариш давомида уқутиш даврида олган билимларимни янада мустаҳкамладим. Шу билан бирга қадимги давр услублари ва замонавий модалар ҳақида тулиқ маълумотга эга бўлдим.

Битирув малакавий ишини бажаришда берилган мавзуим бўйича педагогик технология усулларини куллаб дарс утиш ва замонавий ахборот технологиялари бўйича билим бериш усулларини янада яхшироқ урганиб олдим.

Тайёрланган битирув малакавий ишим кириш, асосий қисм, мавзу асосида уқув услубий комплекс яратиш, меҳнат муҳофазаси, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар каби билимлардан иборат.

Шу билан бирга, мен коллежларда утқазилган педагогик амалиётда олган маълумотлардан ҳам тулиқ фойдаландим ва касбим ҳақида малакага эга бўлдим.

Хулоса қилиб айтишим мумкинки, битирув малакавий ишимни бажаришим келгусида уқувчи ёшларга билим беришда малакамни ва касбимга бўлган қизиқишимни янада оширди.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» - Т.Щарк.1998 йил
2. И.А.Каримов «Ўз келажагимизни ўз кулимиз билан курамиз» - Т.Щарк.
3. И.А.Каримов «Баркамол авлод орзуси» - Т. Щарк. 1999 йил
4. «Кадрлар таёрлаш миллий дастури тугрисида» Ўзбекистон Респ
убликаси қонуни – Т, «Шарк нашриёти концерни»,1998йил 62 бет.
2. «Таълим тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни» 1997 йил 29
август.
3. Г.К. Хасанбоева, В.А.Чурсина “костюм тарихи”, Тошкент, “Ўзбекистон”,
2002 йил.
4. Н.М.Каминская «История костюма», Москва, Легкая индустрия, 1977 год.
5. Н.М.Каминская «История костюма», Москва, Легкромбытиздат, 1986 год.
6. Г.К.Хасанбоева, О.И.Кримова «Қийим моделини ишлаш ва
конструкциялаш », Ташкент, «Ўқитувчи», 1990 йил.
7. Б.Ю.Ходиев, «Янги педагогик технологиялар», Тошкент, 2007 йил.
- 11.Н.Н.Азизхужаева «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат », Т;
ТДПУ, 2004 йил
12. К.Олимова ва бошқалар «Қасб таълими услубини», Ташкент, «Иқтисод
молия», 2006 йил.
13. Ўқув юртлирида билимларни назорат қили шва баҳолашнинг рейтинг
тизими тугрисидаги Низом.

